

Тилак Жўра

РУҲИЯТ


ШЕЪРЛАР

Тошкент
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1990

ISBN 5—633—00425—6

T $\frac{4702570200—60}{356 (04)—90}$ 44—90

© Тилак Жўра. «Рухият», 1990



УМИД

Кўриб мендаги гўзаллигини
Кўзлари қамашиб,
Қон бўлиб чопади томирларимда —
Дилбар бир умид...

ШЕЪРИЯТ

Тутдек тўкилди юрагим
Умидларнинг силкишидан.
Сени соғиниб кутаман
Офтобнинг ҳар чиқишидан.

Тутдек тўкилди юрагим
Армоннинг хўп санчишидан.
Сени соғиниб кутаман
Кўзларимнинг ачишидан.

Тутдек тўкилди юрагим
Аламнинг ҳар қамчисидан.
Сени соғиниб кутаман.
Қонимнинг ҳар томчисидан!

РУҲИЯТ

Бир яланглик бўлса
Тўйиб-тўйиб бақирсанг,
Сўниб қолган руҳингни
Қалқиб-қалқиб чақирсанг!..
Титраса товушингдан
Димиққан бағринг, тананг,
Сочилиб дил ғубори
Қоядаги майсадай
Силкиниб турса шонанг.
Оҳ, десанг, оҳлар десанг,
Бу қандай чоғлар десанг,
Елкамни тоғдай босган
Бу қандай доғлар десанг!
Қўл бутун, оёқ бутун,
Дил нечун оғлар десанг,
Бу қандай имкон, охир!
Қўлларим боғлар десанг,
Бу умид, қандай умид,
Дилда жон сақлар десанг!
Оҳ урсанг, оҳлар десанг,
Бу қандай замон, охир!
Тўйиб-тўйиб бақирмоқ,
Ениб-ёниб чақирмоқ
Энди бир армон десанг.
Бир яланглик бўлса
Айтиб-айтиб шуларни,
Учириб
Гала-гала қушларни
Тўйиб-тўйиб бақирсанг,
Куйиб-куйиб чақирсанг?!

* * *

Сандувоч эрдинг, бўлдинг андалиб,
Булбул бўлиб келдинг алданиб.
Номинг ўзгарди-ю, ўзгармади ноланг —
Тутқинликда толиққан қушчам,
Зорланиб-зорланиб

зориққан қушчам

Туркий титроғингга бунчалар ситам!
Замонларнинг зулми-зўридан,
Ёғийларнинг қонли тўридан,
Тўрдай тугун

халқнинг шўридан

Нолалар қилдинг, нолали қушчам,
Ўз ҳолига ўзи волали қушчам,
Туркий титроғингга бунчалар ситам!
Сайраб қучмоққа осмонинг йўқдир,
Яйраб қучмоққа ошённинг йўқдир,
Ташлаб кетмоққа маконинг йўқдир,
Осмони оғули,

Макони доғули

Қушчам,

Туркий титроғингга бунчалар ситам!

Чатанларда чуғур-чуғурлаб

Умидим ва умрим ўғирлаб,

Толдинг:

Тушларингда Туркистон кўриб,

Кўшиғингда боғ-бўстон кўриб,

Умидингда бир имкон кўриб

Аламлар чекдинг, аламли қушчам,

Имконсиз имонли,

Суронсиз армонли қушчам

Туркий титроғингга бунчалар ситам!

Куйманиб-куйманиб куйган,

На оч қолган, на тўйган,

Ўзинимас, ўзгани суйган —

Сандувочим — сарлочиним,
Туркий титроғим,
Туркий нафасим
Руҳи осмонларда,
Узи
Бағримда ботин сасим —
Туркий титроғингга бунчалар ситам!

* * *

Рауф Парфига

Атиргулнинг шохин қайириб,
Кимдир ундан нигоҳим юлди.
Фароғатдан қолдим айрилиб
Сўлғин гулдай кўзларим сўлди.

Боши кесик таналар туғдай
Йўқ жасадга бўлдилар посбон.
Мен бор эдим, қолдим-ку йўқдай —
Йиқилмадинг не учун, осмон?

Тиқилмадинг бўғзимга, нафас,
Кўтарганча дилда тўфонни.
Мен кўксимда армонни эмас,
Кўтармоғим даркор исённи!

ТУН

Оқиб тушмиш қороғим,
Қандай босай оёғим?
Тўзиб кетмиш сочларим,
Қайда қолди тароғим?

Тишлаб қочар лабимни,
Сийнамда ниҳон балиқ.
Тишим тишлар жабримни,
Қайда қолди пичоғим?

Чўзай десам қўлимни,
Зирқирайди товоним.
Ой кўксимга чўқинар,
Қайда қолди чироғим?

* * *

Эркаланар оппоқ табассум
Гўзалларнинг чўғдай кафтида.
Юлдузлардай эрир нафасим
Шофтолининг шудринг патида.

Жўхорилар балиқ кўз бўлиб
Сузилади менга эгилиб.
Ғуж-ғуж узум ғуж-ғуж сўз бўлиб
Томоғимга келар тугулиб.

Ютинаман, барин ютолмай
Ёқам икки қирғоқдай очиқ.
Бундай бахтга боқиб ётолмай
Офтоб юзин чўқилар чумчуқ.

* * *

Бу кунларнинг нидосидан
Ой бўлмайин ҳилол йиғлар.
Бу куннинг минг хатосидан
Кун кўрмайин иқбол йиғлар.

Ўзимга сиғмайин ўзим,
На тополмай бирор тўзим,
Айтолмайин айтар сўзим,
Руҳимда бир малол йиғлар!

Қай бурчакда тумшайганча
Мени кутиб висол йиғлар.
Кундан-кунга ошар ғуссам,
Толиққан тўрт девол йиғлар.

Ўз уйимда ўзим зорман,
Пойингдаман, лекин, қорман,
Ўз умримга ўзим дорман,
Кўнглимда бир савол йиғлар!

Йўлга чиқсам соям йўқдир,
Тик боқмоққа қоям йўқдир,
Ночорликдан чорам йўқдир,
Бошим силаб шамол йиғлар!

Нима бордир қўлларимда,
Ортимга ҳеч чўзолмасман,
Ўзи туғиб йўлларимда
Муштипар бир аёл йиғлар!

Бошдан учиб ақли-ҳушим
Мендан қочган камол йиғлар.
Унгдан келмай сира тушим,
Мендан кечган хаёл йиғлар!

* * *

Юрагингга санчилса агар
Толнинг бевақт синган шохлари,
Қувонтирса,
 кулдирса сени
Бир ўлканинг бургут зоғлари,
Соғинсанг,
 соғинмасанг ҳам
Остонагда югурса йўллар,
Йўлакдаги бўйчан теракдай
Кимдир сени кутса,
 кузатса,
Ихтиёринг қўлингдан олиб
Сени ўтда ёндирса кўзлар,
Гивирласа бўғзингда сўзлар —
Бордир сенда буюк бир ВАТАН,
Бу дунёда бахтли одамсан!

ОШИҚЛИК

Алдаб қўйди, кўзларим мени,
Мендан сўрмай сенга қадалди.

Қани менинг содиқ сўзларим!
Тўти қушдай сени мақташар.

Билмай қолдим, кимга бўзларим...

* * *

Устоз Миртемирни эслаб

Қишнинг сўлғин кечаларида
Узун-узун эртақлар айтай.
Дайдиб хаёл кўчаларида
Туркистонга адашиб қайтай...

Қўлларимда бир тутам майса
Ҳидлаб-ҳидлаб сира тўймасам,
Елкамни кун куйдириб куйса,
Яссавийни қўлдан қўймасам.

Пишқирса, гар, сачратиб кўпик,
Тиконзорда маст бўлса туям.
Чу-чу десам, ликиллаб этик,
Лўкилласа саҳрода соям.

Жимирласа жимгина сароб,
Вужудимни эзиб турткилар.
Мен саҳрода чекай изтироб —
Туркистонни тутсин туркийлар...

Қишнинг сўлғин кечаларида.
Узун-узун эртақлар айтай.
Дайдиб хаёл кўчаларида
Туркистонга адашиб қайтай!

* * *

Қор эрур қуёшнинг сўлғин шуъласй,
Қиялаб-қиялаб ёға бошлади.
Чироқларни чирмаб олов деб,
Бутоқларни чирмаб ялов деб,
Қиялаб-қиялаб ёға бошлади.
Ёруғлик аталган шафақнинг шами,
Тўлсин деб ернинг ҳам косаси-жоми,
Унутиб кундузни, унутиб шомни,
Қиялаб-қиялаб ёға бошлади.
Эзгуликдан букилган танамга,
Лабларим чайнаган нозли санамга,
Қирқда ҳам очиқ қолган қаламга,
Қиялаб-қиялаб ёға бошлади.
Қор узра қорайган қарғалар,
Танаси куюб, кул бўлган кундадир.
Кундалар устида бир ҳовуч қор,
Чаноқдан пўртаган пахтадир.
Қўлларим чўзарман, қўлларим яхлар,
Бу оқлик не сирни сақлар?
Қаҳрим қағиллаган қарғадир,
Ўзимдан, кўзимдан йўрғадир,
Йўғрилиб-йўғрилиб лабимни тишлар,
Қор қоплаган қарғишлар...

* * *

Дарёга талпинган туядай
Талпиндим сўзларинг бағрига
Улар кўп олисда, қоядай
Қўлларим етмайди барига,

Тутундан толиққан танамда
Садосиз сўзларнинг зардоби.
Илондай чирмашар бўйнимга
Бесамар кунларнинг гирдоби.

* * *

Уйларни титратиб
Тунда учар учоқлар.
Чўчиб уйғонган аёл
Ногоҳ авғон урушини эслаб,
Тамшанаётган гўдагини
Маҳкам қучоқлар,
Лабларини тишлаб.
Ҳатто,
Имкони йўқдай
Бир бора олишга
Эснаб...

* * *

Суқланади тун бўйи менга
Болорга босилган вассалар.
Боқолмайман тикилиб унга,
Кўзларимни қоплар ғуссалар.

Менга боқиб милтирар чироқ,
Яшираман кўзимни ундан.
Вужудимда кезар зўр титроқ —
Тўрт девор ҳам эзилар зимдан.

Ғижимлайман оппоқ чойшабни,
Оғир тошдай қалқиб чўкаман.
Айтолмасдан тунга ҳақ гапни
Мен тонг оттиришдан қўрқаман..

МУНОЖОТИ МАНСУР

I

Чори чолнинг нимаси қолди...
Офтоббардор кунларнинг бирида,
Юзларига гўза соясини ялак қилиб,
Жўякка эгилиб, жон берди
Чори чолнинг жондан ортиқ ўғли!
Эгатлардан кўкка ўрмаларди ҳовур,
Милдир-милдир ўрмалар кўзқароғидан;
Лабидан сачраган қондан ўрмалар,
Ўрмалар ҳали совимаган тандан.
Жонсиз танадай шалпайган
Гўзаларнинг япроқларидан ўрмалар,
Ҳолсиз япроқлардай ҳолсиз,
Зўрға эриниб оққан
Ирмоқлардан ўрмалар ҳовур,
Ирмоқларга эгилиб
Беллари букилган бутоқлардан ўрмалар;
Ўрмалар чумчуқларнинг чуғурлашидан,
Дарахтларнинг ҳолсиз қарғишидан,
Сояга зор йўлнинг боқишидан,
Ўрмалар қушларнинг қақраб
қанот қоқишидан,
Мажолсиз толнинг шохларида,
Бир-бирларига боқиб,
Қанотларин қоқиб-қоқиб,
Жимгина ётишидан ўрмалар...
Ана шундай
Еру кўк ёнаётган бир кунда,
Кетмон дастасига қўллари илондай чирмашиб,
Чирмашиб бўғзига жон,
Лабларига қон
Жон берди Чори чолнинг жондан ортиқ ўғли.
Ҳали бир қизга шивирлаб дардин айтмаган,

Райҳоннинг бир шонасини ҳидлаб-ҳидлаб,
Уйига жилмайиб қайтмаган
Суксурдай ўғли жон берди
Чори чолнинг.

Кўзлари хиёл очиқ,
Лаблари хиёл очиқ,
Очиқ қорайган кўкраги
Кўкрагида ғивирлар
Нафасга зор чумолилар,
Хиёл тиржайган кўсақлар,
Кўкрагига урилиб-урилиб
Мунгли бир мотамни шивирлар,
Шивирлар
Чори чолга олтмиш йилдан бери таниш
Бир ҳасратни,
Бир даҳшатни!
Шивирларди жон берган ўғлоннинг,
Умиднинг, армоннинг ҳасратларини...
Чори чолнинг ўғиллари кўп эди,
Бирини сил олди,
Бирини ситам,
Бирини авфон олди...
Кетмон дастасига қўллари илондай чирмашиб,
Илондай тўлғаниб-тўлғаниб жон берган
Ғўзаларга
Қон берган —
Кенжаси эди Чори чолнинг!
Энди у ҳам йўқ,
Йўқ энди Чори чолнинг Ойша кампири...
Сўлгин юзларидай,
Сўлгин кунларнинг бирида,
Ўғли жон берган далага қараб-қараб,
Йиғлаб-йиғлаб,
Ютиниб-ютиниб,
Дока рўмолини юзларига ялак қилиб,
Суянчидан айрилиб

Ўлимни суянч қилиб,
Ҳар куни ўлимни тилак қилиб,
Жон берди, Чори чолнинг Ойша кампири...
Вужудидай пушти куйиб,
Куйиб орзулари-умидлари,
Сандиқда тахт-тахт келини кийолмаган
Сарполари куйиб,
Куйиб этагига осилолмаган неваралари,
Жон берди, Чори чолнинг Ойша кампири.
Чори чолнинг айтар сўзлари қолмади,
Қолмади қайтар излари!

II

Шамол эсар —
Манзаримнинг очиқ ойналарини
Чил-чил синдириб.
Бундан огоҳ қўшнимизни
Кулдириб-кулдириб эсади шамол!
Тишларимда тишлаб ўкинчим,
Ўлтираман жим!
Жим!
Жим жимирлар ойнаи жаҳон,
Жим жимирлар еру осмон,
Жимирлар менинг жоним,
Аждодларимдан қолган туманли шоним,
Жимирлар саратоннинг саробидай,
Чори чолнинг унсиз хитобидай!
Гивирлар бўғзимда бир чумоли,
Ундан кечиб-кечолмайман,
Ютиб-ютолмайман,
Менинг она халқим,
Кечиб-кечолмагандай пахтадан,
Дастурхони бўшаб борса ҳам,
Болалари қақшаб борса ҳам,
Ризқи-рўзин биров ошаб борса ҳам,

Кечолмагандай пахтасидан,
Мен ҳам кечолмайман, бу ҳасратлардан,
Бу қандай тамгадир
Пешонамга босилган,
Гўё оёғим ердасмас,
Кўкка осилган
Осилган қайси бир дарахтнинг шоҳига,
Дарахт тебранса
Тебранамаман,
Қўрқиб-қўрқиб оғзимни очаман,
Тилим йўқ!
Силкиниб-силкиниб боқаман,
Юрар йўлим, йўқ.
Чори чолдай белим букилган,
Қўним йўқ,
Чори чолдай қўлларим очиқ,
Уним йўқ...

III

Бу дунё ғанимдир,
Бу дунё ғурбат!
Осмондай кенг ҳовлида,
Осмонга тенг ҳовлида,
Чори чол
Чумоли билан
Сўлғин-сўлғин хаёли билан,
Унсизгина қилади суҳбат:
— Чумолига яхши, торгина кавакда
Мингтаси яшар,
Эҳ, чумоли ҳам бўлолмадим,
Чумолининг чумолилари бор,
Урмалар-урмалар,
Ғивирлар-ғивирлар,
Ҳасратини бир-бирга шивирлар,
Шивирлар ёмғир бўлиб,

Сочгали тупроғим йўқ!..
Ҳовлиснинг эшикларидай
Чори чолнинг кўкраги очиқ.
Ғир-ғир шамол баданини силаб эсар,
Ғир-ғир шамол соқолини ялаб эсар,
Эсар,
Ҳовлида қовжираб қолган.
Тиканларни юлиб-юлиб,
Тутқичларин чанг босган
Эшикларни очиб-ёпиб эсар..
Эсар,
Қўшни уйда анқиган ёғ ҳидини,
Чори чолнинг димоқларига сочиб эсар;
Шувоқлари тушган ўчоқнинг
Кулларини сочиб эсар;
Дарахтга осиклик Турдиқулнинг
Тўнини силкиб эсар,
Эсар,
Шохлари қуриган дарахтни шақиллатиб,
Шақиллатиб дорга осик,
Бўм-бўш челакни,
Супа узра ғилдиратиб элакни
Шамол эсар..
Очиқ эшиклардан қушлар учиб кирар,
Учиб чиқар қушлар,
Арилар учиб кирар,
Учиб чиқар арилар.
Ва яна нималар учиб кирар,
Учиб чиқар очиқ эшикдан!
Чори чол кўзларини юмиб,
Остонасида ўлтирар,
Тизларини ишқалаб,
Томоғида нимадир чопар
Киприкларига ўрмалар оппоқ чумоли,
Ўрмалар юзларига,
Чори чолнинг қадрдон чумолилари..

Юзларидаги чумолини сачратиб
Эсар шамол,
Терлаган баданини яхлатиб
Эсар шамол!
Тизини, билагини,
Хўл кўйлагини титратиб эсар шамол!
Чори чол кетмонини елкасига олар,
Олгандай
Орзиқулнинг,
Шодиқулнинг,
Турдиқулнинг,
Ойша кампирининг тобутини елкасига,
Маҳкам ушлар кетмон дастасин,
Маҳкам ушлагандай тобутни,
Ариқ бўйларидаги қамишни
Эгиб-эгиб эсади шамол,
Эсар
Каллакланган тутларнинг кўм-кўк —
Нартларини эгиб-эгиб эсар шамол,
Эсар Чори чолнинг белини букиб,
Белбоғидан тортқилар,
Тортқилар кўйлагининг баридан.
Оғир-оғир қадам ташлаб,
Пахтазорига юрар Чори чол,
Япроқлари шалпайган гўзаларга кўз ташлаб,
Тез-тез қадам ташлар Чори чол!
Ахир,
Чори чолнинг нимаси қолди,
Оқ пахтаси
Оқ соқолидан бўлак,
Чори чолнинг нимаси қолди...

IV

Менинг ҳам нима қолди
Кўзимдаги ёш,
Бағримдаги тошдан бўлак

Менинг ҳам нимама қолди.
Оёғим остидаги омонат ердан бўлак,
Руҳимдаги тумонат,
Шеърдан бўлак
Баданимда анқиган тердан бўлак,
Кўксимда инграган гумондан бўлак
Ўз-ўзимга душман имондан бўлак,
Менинг ҳам нимама қолди?!
Илтижом қолдими кўкларга,
Танамда қон қолдими?!
Юртимда бирор бир шон қолдими,
Эзилмаган бирор бир жон қолдими?
Суяк-суякларимда зирқираган оғриқми,
Ё хаёлимда кишнаган йўрғам — тўриқми,
Қулоғимда шанғиллаган товушми,
Пешонамдан парча-парча болишми,
Сим-сим деган, олис-олислардан
Келган хонишми;
Тирноқларим тешган калишми,
Лабларим пичирлаган қарғишми,
Билмам, менинг ҳам нимама қолди?!
Ғамларим эмас, тоғларим еррилар,
Орзуларим, боғларим еррилар,
Еррилар, диёнатли диёрим,
Номусим-орим еррилар,
Еррилар мазорим, зорим,
Ҳали ўзимни осолмаган дорим еррилар,
Йўғимки йўқ, борим еррилар.
Ҳали тўқиб-тўқимаган,
Ўқиб-ўқимаган ашъорим еррилар,
Бирор жойга қочолмасман,
Борар бўлган жойим еррилар,
Кўкда куним, ойим еррилар!
Кундан кунга кичраяр уммонларим,
Дарёларим, саҳроларим,
Зарафшон кичрайиб,

Ирмоқ бўлгандай
Кичраяр Чори чолнинг кўзлари,
Кичраяр Тилак Жўранинг
Жуссаси,
Айтар сўзлари
Кичрайиб боради.
Оёғи остидаги ер,
Бошидаги осмон,
Қўлидаги имкон
Чори чолнинг
Тилак Жўранинг
Нимасини айтсин, нимаси қолди,
Уфқларга термулган нигоҳидан бўлак
Ва сизга айтган шу оҳидан бўлак
Нимаси қолди...

* * *

Бўзтўрғайдек бўзлаб бошимда,
Қора сочин кўксимга ёйиб
Мендан нима истайди бу тун?!
Ахир, шамол мендан не истар
Қўлларимга хазонлар сочиб?
Қўлимиз-ку бошқа-бошқадир...
Шамол каби ҳансираб, титраб,
Юрак, мендан нима истайсан?!
Биласан-ку, менга ҳам оғир
Соқов бўлиб сен билан юрмоқ...

* * *

Бу кўҳна дунёда сир кўп, сабр кўп,
Сабр қилганга ҳам бунча жабр кўп.
Суягим яшириб не қилдинг, этим,
Пинҳонми, аёнми, битта қабр кўп.

* * *

Бу элга ҳам эмас, ёмғирлар ёғсин,
Баҳор ёмғирлари,
куз ёмғирлари,
Севинч ёмғирлари,
ишонч ёмғирлари,
Ёғсин-эй, майлига, соғинч ёмғирлари,
Соғиниб-соғиниб келган бу элга,
Суяниб-суриниб келган бу элга,
Сўкилиб-соврилиб келган бу элга,
Суқланиб-сарғайиб келган бу элга,
Ёғсин-эй, майлига қувончлар ёғсин,
Борини бериб ҳам, бўҳтонлар олган,
Зорини айтиб ҳам зорланиб қолган,
Сомондай сарғайиб, ҳар ён сочилиб,
Тола-тола бўлиб, толиқиб толган,
Бу элга қувончлар, ишончлар ёғсин!
Бу қандай замондур, бу қандай даврон,
Умрим, ўз ҳолингга ўзингсан ҳайрон,
Не хатолар қилдинг, айтсанг-чи, ахир,
Кўнгил-да вайрондир, имон-да вайрон.
Сарғайган қамишдай сарғайган гўдақ,
Сендан қадрлими бир дона кўсак,
Дардим дарё бўлиб оқизмас мени,
Елкамда кўтариб кетсам мен сени.
Сени қандай асрай, кўзи қоролиқ,
Қўлларим чўзарман, қўлларим боғлиқ,

Бу дунё гумроҳдир, гумроҳ одамлар,
Жилмайиб боқарлар, юраклар доғлиқ!
Кўкликдан кўкармай, сарғайган соҳил,
Уммонинг қайдадир, гумонинг қайда,
Сени ҳам кул қилди, кул бўлган ҳосил,
Тўфонинг қайда ҳей, суронинг қайда?!
Оҳ уриб, оҳимни мен кимга айтай,
Қани, у туш бўлса, жимгина ётай.
Лек, руҳим тирмалиб, санчилар санчиқ,
Қароғим қичқирса, мен қандай ётай!
Бу элга ғам эрмас, ёмғирлар ёғсин,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.
Баҳордай борлиқни қувончга қорсин,
Ўзлик ёмғирлари, ўз ёмғирлари...

ҲАР ҚУНИ АЙТИЛАДИГАН ГАП

Ишлар битсин, хотин!

Янги қавиган кўрпангда оёқни чўзиб,

Кўк чой сузиб, маза қилиб ётаман...

Ҳайдарқул

Муздай, сувда қоқ нонни эзиб,

Эзиб панжаси билан —

тиришган пешонасини

Қирқ йилдан бери бу гапни

Хотинига айтади,

ҳар куни эзиб-эзиб.

* * *

Қалтираб қизарар ғўзапоялар

Уялиб

Яланғочлигидан.

Титраб турар пучак кўсақлар

Уялиб

Кечикканидан.

Бундай юпун далага боқиб

Пўстиним боридан

Уяламан мен...

* * *

Емғирларин ёғдирар кўнглим,
Икки ирмоқ каби ялаб ўтади
Оролдай, тўзғиган изимни.

Қалтирайди қўлимда қалам
Емиргандай икки соҳилни
Кўзларимга кўмилади шам.

Кимдир келар елкамни босиб,
Туман ичра туюқиб-толиб
Шивирлайман айтар сўзимни.

Айтар сўзим Оролдай бўзлар,
Айтар сўзим деволдай сақов,
Айтар сўзим ватандай ғариб...

* * *

**Айтиб-айтолмайман
нималар бўлаётганини
соқов бўлмасам ҳам.**

**Англаб-англолмайман
нималар деганинг
кар бўлмасам ҳам.**

**Кўриб-кўролмайман
чўкаётган умримни
кўр бўлмасам ҳам.**

**Кечиб-кечолмайман
сен ўйлагандай кўп ҳам
анқов эмасман.**

**Тилим бор,
қулоғим бор,
оёғим бор,
қўлларим мушт —
фақат, чўнтакда...
Нима қилиш керак
қани,
хўш?..**

ЮРАК МИНБАРИДАН СУЗЛАНГАН НУТҚ

Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Қаддин тиклаётган майса сингари
Қад ростлаб боқаман —
Чарақлаган уфқлар томон,
Эҳ, бу қандай гўзал!
Мени ҳисларимдай олади ўраб
Офтобнинг беғубор этаги.
Офтоб елкасида мовий бир наво —
Чарақлаб кетгандай наздимда дунё.
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан,
Улуғворлик қўшигин куйлаб,
Уфқларга чирмашар дарё,
Дарё ва офтобдан яйраб,
яшариб,
Яна мовийлашар осмон ва замин!
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Сизиб келар менинг бағримга
Дунёнинг муаттар ҳидлари...
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Офтобнинг тиғи сингган заминга
Бармоқларим чизган йўллардан
майсалар,
бошоқлар унар,
Бахтин кўз-кўз қилиб
рўмолчасин силкиган қиздай.
Шарққа,
Шимолга,
Жанубга,
Ғарбга силкинар
Менинг бармоқларим — майсалар, бошоқлар.
Шунда,
Хаёлга ҳам келмас дафъатан

Куяётган бошоқлар,
 майсалар:
Ёмғир шаҳдидан эмас,
Тутундан толиққан тарновлар,
Хаёлга ҳам келмас дафъатан
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Чарақлаган уфққа,
Бойчечакка,
Куртакка,
Дунёга қадам қўйган гўдакка
Циалковскийнинг кўзлари билан
Нозимнинг ва менинг кўзларим билан,
Эзгу бир ният билан
 нега боқмаслар?

Офтоб
Чумолидан тортиб то инсон қадар
Ўз шуъласин таратса,
Замин,
Ажриқдан тортиб то чинор қадар
Елкасида эркаласа,
Нега
Бир умид билан
Бир кўз билан
 осмонга боқолмаймиз?!
 заминга боқолмаймиз?!

Биз янги офтоб кашф қилган замонда,
Биз осмонни остона қилган замонда?!
Иўқ!
Буларни ўйламай бўлмас
Мовийликдан кўзларим яшнаб турса ҳам,
Эзгуликдан сўзларим чақнаб турса ҳам —

Иўқ!
Буларни ўйламай бўлмас!
Вужудим зирқира
 яшин урган дарахт сингари
Чатнамаган бўлса ҳам бирор суягим,

Кесмоқдалар бармоқларимни —
Шимолга,

Гарбга,

Жанубга,

Шарққа —

Эзгулик йўлларини чизган бармоқларимни...

Тўхтагил!

Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан

Кимдир йиғламоқда:

«Уғлим! Дийдорингни кўролмай дунёдан ўтар бўлдим.

Қизим!

Дийдорингни кўролмай дунёдан ўтар бўлдим,

Укам!

Дийдорингни кўролмай дунёдан ўтар бўлдим!»

Бу лаҳза

Бу ҳасратдан

ер шаридай чатнаб борар юрагим!

Шунда

Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан,

Қаддин ростлаётган майса сингари

Кўзларимга қадалар Вьетнам!

Офтобдай эгилгум унга!

Кесилган қўл ўрнига

қўл бўлай, майли,

Чопилган оёқ ўрнига

оёқ бўлайин,

Уйилган кўз ўрнига

майли бўлай кўз!

Аммо

Отилган ўғил ўрнига,

Осилган сингил ўрнига,

Чопилган ука ўрнига

Мен ўғил бўлолмайман!

Мен сингил бўлолмайман!

Мен ука бўлолмайман!

Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан

Бир умид билан,
Бир кўз билан,
Бир сўз билан
Боқайлик кўм-кўк майсаларга,
Кўм-кўк бўлиб яшнасин
еримиз,
осмонимиз!
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан,
Майин эсган эпкин шамолдек
Қучсин
юракларни,
тилакларни,
дунёни Тинчлик!
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан...

ЧУЛПОН

Уйларимдан кўтаролмам бош,
Уйларимдан кунлар толиқар.
Қачонлардир отилмаган тош.
Ҳовучимда ҳамон зориқар.

Уни кўкка, ерга отайми
Ё гавҳар деб, босиб бағримга —
Умр бўйи қучиб ётайми?!
Уни кўкка, ерга отайми?!

Ҳовучимда зориқди бардош,
Кўторолмай белим букилар.
Қачонлардир отилмаган тош
Лахча чўғдай ерга тўкилар!

* * *

Агар, ой бўлсанг ҳам кўчамдан ўтма...

* * *

Деразамдан сочилган нур,
Йўлларингга тўшалган
Сўнгги умидим.
Вужудимни чирмаган хаёл,
Сўнгги денгиздир
Кулимсираб қучоғинг очган.
Балки менинг ўзим
Энг сўнгги сўздирман
Хаёлингдан кечган...

ҲОЛАТ

Узун кун тўлқингирга қўниб
Жимирлайди қарғалар...
Қора байроқдай
Уларми дунёнинг даракчилари,
Яхшию ёмоннинг ўроқчилари,
Бу телба юракларнинг сўроқчилари...
Тунд иқлимдай тундлашар хаёл,
Қарғалардан руҳимда малол,
Уйлайман,
Турса-ю шамол,
Ҳайдаса дунёнинг бир чеккасига,
Қарғаларни, тунд хаёлларни.
Шамол турар,
Хаёллар қочмас.
Ҳаво оғирлашар, оғирлашар нафас,
Фикримга қарғалар қўниб,
Руҳимни чўқир...
Хўмрайиб,
Ойнаи жаҳонни бурайман.
Кимдир ҳўпиқиб
Бахт ҳақида шеър ўқир...

САҲАР

Қочар алдоқчи тушлар,
Нозли қиздай
бағрига имлаб.
Йиғолмай эс-ҳушимни
Бошимни ураман эшикка —
Кўзларим ёшлаб.
Тун кўтариб пардаларини
Мени белар
оппоқ бешикка...

* * *

Зар эрмас, зардоб оқар,
Зорланиб офтоб боқар.
Зарафшон, зарингга зор
Лойингга ким ҳам боқар.

Ой кулар омон-омон,
Бўлдики ажиб замон —
Дарёлар оқмас бўлиб,
Илони чақмас бўлиб...

Тош отсанг сувга тушар,
Суви йўқ қайга тушар,
Балиқлари биқиллаб
Қоп-қора ерга ўхшар.

Қамишини қайириб,
Қуш қилиб парлар сочдим.
Ёргамас, Зарафшонга
Етар икки қулочим...

Зар эмас, зардоб оқар,
Зорланиб, офтоб боқар.
Зарафшон, зарингга зор,
Лойингга ким ҳам боқар!

* * *

Ерни силкиб, автолар чопар,
Чумолидай тун-кун ўрмалаб.
Бутун шаҳар тинмайин чекар
Уфқларни туманга ўраб.

Йўлиққандай оғир бир дардга
Бўз ер каби кўпчир кўкрагим.
Ғала-ғовур катта шаҳарда —
Қизиб кетган йўлдир юрагим!

* * *

Йўл юрдим ўймоқ-ўймоқ,
Илинжим сени кўрмоқ,
Шаҳри Ҳайбар, шаҳри Ҳайбар!¹
Термулиб япроқ-япроқ
Тош тердим қучоқ-қучоқ...
Шаҳри Ҳайбар, шаҳри Ҳайбар!
На сарой, на қалъанг бор,
Гумбазлар парча-парча,
Тошинг териб тўпloffмай
Руҳимдан учди сарча,
Шаҳри Ҳайбар, шаҳри Ҳайбар,
Шамолингни, қани, қайтар,
Гапларим бор, унга айтар,
Шаҳри Ҳайбар, шаҳри Ҳайбар,
Шамолингни, қани, қайтар!

¹Пайкент шаҳрининг иккинчи номи.

ЭСКИЖУВА БОЗОРИДА

Эскижува бозорида
Фасларнинг иссиғида, қорида
Букри толдай букчайиб
Бир чол исириқ тутатар;
Кунларнинг бинафша наҳорида,
Кунларнинг бинафша шомида
Букри толдай букчайиб,
Бир чол исириқ тутатар;
Ғала-ғовур бозордай шошиб,
Ғала-ғовур бозордай тошиб,
Узини,
 сўзини йўқотган одамларни
Минг балолардан асрамоқ учун,
Диллар туманин, ғамин
 аритмоқ учун,
Исириқ тутатар
Узун кун!
Узун кун!
Исириқнинг бўйидан,
Эзгуликнинг ўйидан
 кўзлар ёшланар,
 кўзлар ёшланар!
Шаҳарларнинг юраги бозор!
Унда кимдир бир боғ пиёз,
Кимдир имонин сотар;
Сотар умрин,
 имконин сотар,
Бақадай вақиллаб забонин сотар...
Гоҳ йўлим тушса бозорга
Қонталаш шафақдай чатнаса руҳим,
Жиндай қилсам зарда,
Бирдан исириқчи чолга
 тушади кўзим.
Силлани қуритган чиллада

Бир боғ кўк пиёз кўриб яйраган каби,
 Яйради таним;
 Исириқнинг бўйидан!
 Эзгуликнинг ўйидан!
 Мен ҳавас қиламан шу букри чолга,
 Одамлар ўз номин йўқотган жойда,
 Таратиб юрибди эзгуликни у!
 Мен ҳавас қиламан шу букри чолга,
 Одамлар имонин йўқотган жойда,
 Таратиб юрибди эзгуликни у!
 Мана шу букчайган чолга ўхшаб,
 Букчайган дунёмизни ўйласам
 товонимдан чаққандай чаён,
 титраб кетаман.

Дилимни мушук панжасидай тирмалар
 Олмага тушган қуртдай
 Дунёмизга,
 Ер шаримизга
 тушган кушандалар!

Мен ҳам исириқчи чолдай
 Бир ҳовуч исириқчи чолдай
 Бир ҳовуч исириқни
 Оппоқ қоғозга жойлаб
 Тутатсам дейман:
 Ер шаримизда ўргимчакдай ўрмалаб
 Эзгуликка,
 Мангуликка
 Тўр тўқиётган кимсаларнинг
 Бурнига қадаб...
 Тумовдан қутулган кўзлардай
 Яна ҳам беғубор бўлса кўзларимиз,
 Яна ҳам улуғвор бўлса кўзларимиз!
 Мен бир умр розиман
 Белим букчайиб,
 Исириқ тутатмоққа.

Ер шаримиз узра!

Ер шаримиз узра!

* * *

Сен бахтли бўлишинг учун
тун бўйи
умидимнинг омови билан
шудгорлаб чиқаман миямни...

* * *

Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман:
Юрагимни қўлга олмоқни;
Ойдин кечалардан минг бора равшан
Нурли бир иморат солмоқни.

Ток нартидай сенга чирмашиб,
Қучмоқни соғиниб ўларман.
Мўридаги тутундек шошиб,
Тўзмоқни соғиниб ўларман.

Соғиниб ўларман, соғиниб... Бироқ —
Ўлим мендан жуда ҳам йироқ...

ТЕРАК

(Нозим Ҳикматдан)

Тунда дарахтзорда сайр этмак,
Сувда кумушдан сарви кўрмак
Истамбуллик Нодим учун.

Оқ баданлик келинларни,
Маъюс-маҳзун қайинларни
Севар рязанлик Есенин.

Кўнглимда бир терак ўсар
Қайда бўлсам келар саси
Муҳожирлигимдан бери.

Ҳар дарахт каби терак ҳам
Ҳамиша туради тикка
Кўзлаб бирор нарсаларни.

Усар кўча бўйларида,
Истанбулнинг йўлларида
Ёзнинг иссиқ кунларида.

Йўлларимга боқиб терак,
Кечалари қичқиражак
Қамоқхона ёнларида.

Айбларимизга шоҳид,
Шоҳид ғойибларимизга
Умидимизнинг шоҳиди.

Теракка боққанимдан,
Дилимни ёққанимдан
Не чиқар мамлакатим.
Қора ерга эгилиб,

Сенинг учун Ватаним
Бир туп терак эмадим!..

* * *

У бир қушча эди,
 миттигина жон.
Гоҳ у шохда,
 гоҳи бу шохда,
Ҳеч ким унга боқмасди ёмон.
У бировни қилмасди зада.
Ўз ишқидан ўзи бўлиб маст,
Эркин-эркин учиб еларди.
Бўлиқ бошоқларни қилиб у ҳавас,
Хирмонлар шаънига куйларди.
Бир куни ўша қушча,
 ўша митти жон
Кўнгилнинг эрмаги учун
Бир ўқ билан берди жон.
Ҳеч ким унга тутмади аза,
Ҳеч ким бунга қилмади парво.
Қуш зоти-ку кўп эрур, аммо
Ўша эркин,
 ўша ҳур қушча
Энди йўқдир ёруғ дунёда.

(Дўстим А. Умаровга)

Силкиниб қолдилар ортда тераклар,
Эгилган шохларда бизнинг болалик.
Шохларга чирмашиб учган варраklar
Ялангоёқ кунлар аро худолик.

Бизга она бўлган ялангоёқ йўл
Торлик қилиб қолди бизларга ногоҳ.
Қимнингдир манглайин силар энди чўл,
Қимнидир бағрига олади само!

Мақсадимиз — таранг тортилган камон,
Биз чақмоқ сингари чақнаб борамиз.
Булутдек босади гоҳида фиғон.
Шерик бўлмоқликка узоқ орамиз.

Аmmo юраклардан ўчмайди сира
Тўпиққа чиқмаган ўша ирмоқлар.
Бугун она эрур бизга хотира —
Ялангоёқ ўғлин севиб қучоқлар!

Силкиниб қолдилар ортда тераклар,
Эгилган шохларда бизнинг болалик!

* * *

Айвондаги ола похолни
Шамол елпиб қочади, ҳамон.
Похолдан ҳам мен енгил бўлиб,
Учиб кетдим олис юрт томон.

Шаҳарлардан излаб мен маъно,
Шеърга солдим пичан-ўроқни.
Болаликдан қадрдон-ошно
Тун мавжида қалққан ўроқни.

Менга ғижжак сасидан кўра
Оромбахшдир чигиртка оҳи;
Пешонамни қилса ҳам ғурра —
Тулпорларнинг ҳилол-туёғи...

Оғаётган деворни суяб.
Пўст ташлаган бўйчан теракка;
Қари хачир бўйнини суйкаб
Пишқирарди термулиб кўкка.

...Торга осик сават остида
Тонгни кутар мушуквой мудраб.
Болаликнинг хотиралари
Ҳамон мени келади судраб...

* * *

Дарахтлар бунчалар безовта,
Шохлари қарсиллаб йиғларлар.
Кузнинг аёзли қучоқларида
Айрилгандан япроқларидан...

Қушчалар бунчалар безовта,
Тинмайин-тинмайин чуғурлар,
Кузнинг аёзли қучоқларида
Айрилгандай овозларидан...

Руҳим-да бунчалар безовта,
Билмайман у мендан не истар.
Кузнинг аёзли қучоқларида
Мен нима йўқотдим, мендан
не кечар...

* * *

Бу боғлар кўркига яйраб боқмасам,
Бир сойдаи куйманиб, куйлаб оқмасам,
Чаман деб, чаман-чун ўзни ёқмасам,
Атиргул тиканин санчинг кўзимга!

Хонанда куйлади: япроқда Ватан
Лек уни ким узиб, кимлардир сотган,
Мен ҳам бир япроқман, гап ёлғон айтсам,
Қўрғошин қуйилсин, майли, бўғзимга!

* * *

Узоқ йиллар, кўп узоқ йиллар
Алдаб келдим ўзимни ўзим —
Меники деб, бу қизил гуллар..
Меники деб, ҳар айтган сўзим.

Тўғри, гуллар меники эрур,
Меникидур ҳар айтган сўзим.
Нима қилай, ахир уларни
Ўзимники бўлмасам ўзим...

* * *

Сўзни чайнаб,
Чайнаб юракни
Сенимас, жонгинам,
Бу узун тунлар
Қучоқлаб ётаман тилакни;
Умидни, ҳайратни,
Хаёл деб аталган шуҳратни —
Қучоқлаб ётаман бу узун тунлар,
Менинг пешонамга,
Сенинг пешонангга
ёғилган,
Даҳшатни қучоқлаб ётаман...
У на бир илондир
Бўйнимга чирмашиб чақса,
Наки, қайноқ қондир,
Кўзларимдан тирқираб оқса...
Ҳайҳот! У шундай пинҳондир,
Елкамни босса ҳам кўрмасман,
Суякларимда зирқираб ёнса;
Юрсам ҳам,
Турсам ҳам
Товонимдан чаёндай чақса,
Мен уни кўрмасман...
У шундай бир армондир,
Бор вужудим унга қурбондир,
Кўзларим кўролмас бир армон,
Сўзларим айтолмас бир армон,
Аёғим етолмас бир армон,
Қўлларим қучолмас бир армон —
Мен уни қучоқлаб ётарман...

* * *

Оғир-оғир, жуда ҳам оғир
Уз ўйингда хўрланиб яшаш.
Бировларга бермайсан-у сир,
Кўнглинг қурғур бўлар доим гаш.

Бир бурчакда мушукдай мудраб
Ноҳақликдан белинг букилиб
Ётсанг. Ёки тўнингни судраб
Йўлга чиқсанг, руҳинг тўкилиб.

Нима гап деб сўрмаса хотин,
Ҳайкал каби индамай турса.
Оғаларинг ўйлаб роҳатин,
Уз дарди-ла ўзлари юрса.

Бор овоз-ла шунда сўкиниб
Олгинг келар кўнглинг бўшатиб.
Ё қайгадир аста бекиниб
Юрагингни олсанг юмшатиб...

Оғир-оғир, бундан ҳам оғир,
Уз юртингда хўрланиб яшаш.
Руҳинг бўлар доимо сағир,
Умринг бўлса, тилингни чайнаш.

Харсанг тошдай чўкиб ётади
Юрагингга бир армонли тош.
Уни қандай юлиб отасан —
Бел букилиб, эгилганда бош...

ИТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Хўжасининг эркаси эди,
Чопқилларди изидан доим.
Эгаси ҳам жуда севарди
Пешонасин силаб, мулойим.

Ит ҳолига мунис ва ювош,
Панжаси-ла артиб тумшуғин;
Эрталабдан қорайганча қош,
Бажарарди эга юмушин.

Кезар бўлса икков шаҳарда,
Кўплар боқиб қиларди ҳавас.
Этагидан тишларди шартта —
Эгасига ўқрайса нокас.

Эга дерди: топқир ва чопқир —
Қорга чўккан қуённи кўрар;
Ёғмоқ бўлса мабодо ёмғир
Кўкка боқиб, вовуллаб ҳурар.

Қирчиллама қишнинг бир куни
Писанд қилмай тиз бўйи қорни.
Овга чиқди, хўжаси билан
Чопди... қорда судралиб қорни.

Узоқ чопди, кўп узоқ чопди,
Қочиб кетган қуён изидан.
Ҳолдан тойиб, охири ётди —
Қайноқ томчи оқиб кўзидан.

Шамшир каби совуқ изғирин,
Упкасидан урди шўрликнинг.
Овчи сўкиб, сочди заҳрини,
Ит кўрмаган бундай хўрликни.

Совуқ эди, жуда ҳам совуқ,
Катагида яхларди товуқ,
Ярим тунда уйга қайтдилар,
Бечорани эзарди оғриқ.

Кундан-кунга кетиб дармони,
Қулоқлари шалпайиб қолди.
Эркаликнинг тугаб даврони
Остонада жунжикиб, толди.

Гар бўйнига тақишиб маржон,
Судрасалар кўчага томон.
Чинқирарди, кўнглини доғлаб
Юрмоққа ҳам йўқ эди дармон...

...Хўжаси кўп яхши кўрарди,
Минг бўлса ҳам кўпдан йўлдоши.
Не қиларин билмай, охири,
Итни қувди, тугаб бардоши.

Қайга борсин, катта шаҳарда,
У судралиб, бўлиб чиллажон.
Очлигидан сўлагин ютиб,
Ҳолсиз ётди, бермоқ учун жон.

Ҳалқа-ҳалқа ёш пардасидан
Кўринарди сахий хўжаси —
Эргаштирар уни ортидан,
Овга чиқар қорли кечаси...

Хўжасининг эркаси эди,
Чопқилларди изидан доим.
Эгаси ҳам жуда севарди
Пешонасин силаб, мулойим...

* * *

Бойчечакдан олдин,
Турналардан олдин,
Баҳорни қаршилаб
Пахса девор остидан
 чиқар чумоли,
Юзларига сепкил тошган қиздай
Ҳовлимнинг юзига
 тошар чумоли.
Чумолидан ҳам олдин
Баҳорни қаршилаб,
Юрагимда ғивирлар —
Кўзларимда очилган —
 бойчечаклар...

НОЗИМ ҲИҚМАТ

Ун етти йил қамоқда ётди Нозим,

Ун етти йил:

Бир гўдак улғайиб

Мушаклари тошни ёрарди.

Бир қизча улғайиб

Ойдак тўлишиб,

Нигоҳлари девордан ошиб,

Ошиб баланд-баланд уйлардан

Мушаклари тошни ёрган

Йигитчанинг йўллари тўсарди...

Ун етти йил:

Қўплар келиб кетди —

Тандирдан оққан куюк нондай

Хамон

Онасининг юрагида

куюклигини,

уюклигини англолмай

Қўплар келди — кетди.

Қўплар келиб — кетди,

Яшаса ҳам етти бор

ўн етти йил

Ҳовлисида ўтган ариқнинг

Билмай қайдан қайга оқишин,

Кўчасида ўсган ўрикни

Ҳар тонг келиб қарға чўқишин

Билолмай

Қўплар келиб кетди...

Қўплар келиб кетажак

Майсаларда мўмиёю зирак —

Чумолининг кўзмунчоқлигин

Замин бўртиб урган бир куртак,

Узининг хўп овунчоқлигин

Англолмай

Қўплар келиб-кетажак...

САРАТОН

1

Чайлага осиклик чакки халтадан
Чак-чак томади
Сарғиш томчилар.
Чайлага суянган катда
Чол мудрар
Сочиқ-ла қувлаб уйқуни

Бутун полиз мудрар,
Итнинг қулоғидай
Палакнинг барғи осилган...

2

Япроқчалар жимгина боқар,
Қоратолнинг шохи қайрилиб.
Ирмоқча ҳам эриниб оқар,
Толнинг соясидан айрилиб.

Тол шохида қушча бемажол,
Ҳалқумида типирчилар жон.
Тол тагига беркинган шамол,
Ўз ҳукмини ўқир саратон.

3

Палакларда парчаланар кўк
Тарсиллаган қовун сасидан
Кўсаклар ҳам тинмай отар ўқ,
Оппоқ тишлар чиқар қафасдан.
Дами қисиб келар ҳарсиллаб,
Офтоббардор кундузлар шитоб
Қошларидан ўсмасин ялар
Ҳорғин қизлар елпиган офтоб...

ТУМАН

(Тавфиқ Фикратдан)

Чирмади уфқларни яна ҳам қалин туман,
У оппоқ зулматки, қуюқлашар ҳар замон.
Бор борлиқни чирмаган заҳри чангдан иборат
Ҳар лавҳа, ҳар зарра занг, тўзон босмиш касофат.
Қад тиклаб қарай олмас, ўрмалар ерда ғусса,
Лекин, бу қалин парда, яхши ярашар сенга —
Эй, зулми зўр азоблар, эй, саҳнаи зулумот!
Эй, кулфатлар ўчоғи, суҳра саҳнаси порлоқ,
Ҳийла-ю, ҳангомалар маскани — жабри кулфат!
Сен, эй, салтанатнинг жон бешиги, жон мозори,
Сен, эй, Шарқнинг азалий нозанин ҳукмдори,
Эй, қонли муҳаббатга қалтироқ-қўрқоқ нафрат,
Нафрат билан йўғрилиб, оғушин очган офат!
Эй, мовий Мармаранинг қўйнида ҳорғин-ҳорғин
Улим каби сўроқлаб топилган ғамли йиғин,
Эй, қадимий Византия, фусункор ва ҳаёсиз
Минг эркакка тегиб ҳам, бокира қолган бир қиз!
Ҳуснингнинг таровати, жозибаси ҳали бор.
Ҳали сенга суқланиб, жамолингга боқарлар!
Бир чеккада нозланиб, ҳар боққанга сузилган
У мовий кўзларинг-ла хўп мунис кўринарсан,
Мунис, энг жирканч, энг аянч хотинлардай мунис,
Чекилган фиғонларга, оҳларга бўлиб ҳиссиз.
Сен яралганда гўё бир хоин чўзиб қўлин
Заҳарлаган лаънат-ла, эзгуликнинг тамилин!
Тозаликдан, софликдан заррача йўқдир сенда,
Мурдорлик, риёкорлик ниш урибди сийнангда.
Риё, ҳасад, ғараз, кин... барча бу чиркинликлар,
Қўйнингда қулоч ёзар — қабоҳат, худбинликлар!
Сен — жаллод жонин олган жасадлар орасидан
Топилар қанча-қанча гуноҳсиз, соф инсонлар.
Уртан, ҳей жирканч шаҳар, ўран туманга қат-қат,
Фоҳишаи-фожиа, ўртан, ҳар галгидай ёт!

Эй, нолаи нағмалар, шуҳратпараст сипоҳлар,
Эй, одамхўр қудуқлар, эй, зиндонли саройлар,
Эй, бадбахт ўлик маъбад, сен кечмишдан ёдгор,
Эй, занжирли девлардек мағрур турган устунлар,
Кечмишнинг келажакка хароб хабарчилари,
Эй, тишлари тўкилмиш кўҳна гала сафлари,
Эй, қуббалар устида ёнган ўтли оятлар!
Эй, ҳақлигини сўзда зикр этган миноралар!..
Эй, дарахт соясидан парча ер топа олган —
Дарбадар тиланчилар, тузумнинг сирдошлари
«Кечмишга раҳмат» деган кўҳна қабр тошлари!
Эй, гумбазлар, ҳар тошинг кўргани аччиқ фарёд,
Тўфонга отиб бизни, жимгина ётган аждод!
Балчиққа дўнган йўллар, хору хасли кўчалар,
Ғам-аламдан сўзлагай ёпиқ эшик, дарчалар!
Қароқчилар маскани, босқинчилар макони,
Осмонни ҳам чулғамиш бу юртнинг дард-тўзони!
Дард ҳайкали уйлару, ғам қалъаси — чордоқлар,
Бургут билан лайлакнинг уясига хўп ўхшар!
Кул босган ўчоқларнинг тортган оҳлари ўтмиш,
Қанча йиллар чўғ кўрмай, чўғни буткул унутмиш.
Эй, қоринга қул бўлиб, виждонни унутганлар,
Зиллати-разолатни лаззат дея ютганлар!..
Саховатли, неъматли, давлатли сахий ўлкам,
Тиллолари таланган, ўзи оч, ғамли ўлкам!
Ўзлигидан, фахридан боридан бўлиб жудо,
Кўкдай бўмбўш қўллари, кўкка қилар илтижо!
Эй, ит ҳуриши саси ила бўлса-да мумтоз,
Инсондаги олчоқликка лаънати деган овоз!
Эй, қадрсиз йиғлашлар, эй, заҳарли кулишлар,
Эй, ожизлик ва ғамдан яралган нафрат-назар!
Эй, кўҳна нақлларда қолган номус-ўйинчоқ
Биров оёғини ялаб юқори чиққан олчоқ!
Эй, ўксик оғизларга қурилган қора зиндон,
Етимлар ва тулларга кўз ёш аталган имкон.
Эй, сўзда ҳақиқатгўй, ҳурриятга хўп уйғун,

Аmmo, кўзга кўринмас афсонавий бир қонун!
Эй, алдамчи ваъдалар, алданиш ва алдамак,
Сен, эй, маҳкамалардан ҳамиша ҳайдалган ҳақ.
Эй, улуғликни қамчилаган қўллар, оёқлар,
Имонга эш бўлмаган, эй, шалпайган қулоқлар!
Эй, қўрқувдан юмилиб, очилмаган оғизлар,
Сен, эй, манфури махлуқ, миллат манфаатин бўғар,
Фазилат ва адабнинг номи бор, фақат, андак.
Эй, эгилган бир бошки, нақадар жирканч ва шан,
Эй, тоза бир хотинки, таъқибга олмиш ўғлон!
Эй, ғамга чўккан она, эй, аламга ботган эр,
Эй, кимсасиз гўдаклар, ҳозир овора сизлар
Уртан, эй, қонли шаҳар, ўран туманга қат-қат,
Фоҳишаи-фожиа ўртан, ҳар галгидек ёт!..

МИЛЛАТ ҚЎШИҒИ

Борлиғимиз жабру жафодан бўлди минг пора,
Санчилди муқаддас ватаннинг бағрига бигиз.
Бирликда топайлик дардига бирор бир чора,
Жони бир, қони бир, шони бир биродарлар, биз!

Миллат йўлидир, ҳақ йўлидир, биз бошлаган йўл,
Эй, ҳақ, яша, эй севикли миллат, яша, бор бўл!

Кел, эй дўсти азиз, мушфиқ онанг сени чорлар,
Қутқар, у шўрликни ночорлик, зўрлик зулмидан,
Сенга боқиб, жисми қалқиб, эл-юрт зорланар,
Ўзни асраб, четда турсак, оғир ўлимдан!

Ҳар онда гўзал сийнага ханжар санчарлар,
Топмасак чорасин юртни буткул янчарлар!

Зулмнинг тўпи бўлса, ўқи-ю қалъаси бўлса,
Ҳақнинг-да букилмас қўли, сўлмас изи бордир,
Кўз юмма қуёшдан нури қанча қора бўлса,
Сўнмас ҳар кечанинг-да ёруғ кундузи бордир.

**Миллат йўлидир, ҳақ йўлидир, биз бошлаган йўл,
Эй, ҳақ, яша, эй севикли миллат, яша, бор бўл!**

**Мангу мерос бўлса ҳам аждодлардан бу чаман,
Оч-яланғоч яшайсан, чўчиб ҳатто кўлкангдан,
Энг буюк шарафдир миллат туғини тутсанг
Силкин, эй, жаҳолат чанги учсин елкангдан,**

**Инсонлигин паймол этган олчоқларни йиқ, ос,
Биллоҳ, ерда яшаш қуртдай судралмоқ эрмас!**

**Не-не ҳақсизликни кўрдинг... ҳайҳот, буми, қонун?
Беҳад қашшоқланиб қолдинг... ҳайҳот, буми давлат?
Давлат, қонунда, йўқ, энди керак эрмас,
Ахир, етар энди бундайин зулми жаҳолат.**

**Миллат йўлидир, ҳақ йўлидир, биз бошлаган йўл,
Эй, ҳақ, яша, эй севикли миллат, яша, бор бўл!**

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Умид | 3 |
| Шеърят | 4 |
| Руҳият | 5 |
| «Сандовуч эрдинг...» | 6 |
| «Атиргулнинг шохин қайириб» | 7 |
| Тун | 8 |
| «Эркаланар оппоқ табассум» | 9 |
| «Бу кунларнинг нидосидан» | 10 |
| «Юрагингга санчилса» | 11 |
| «Қишнинг сўлгин кечаларида» | 12 |
| «Қор эрур» | 13 |
| «Дарёга талпинган туюдай» | 14 |
| «Қатқалоқдан қитиғи келган оёқчалар» | 15 |
| «Уйларни титратиб...» | 16 |
| «Суқланади тун бўйи менга» | 17 |
| Муножоти мансур | 18 |
| «Бўзтўрғайдек сўзлаб бошимда» | 26 |
| «Бу элга ғам эмас, ёмғирлар ёғсин» | 27 |
| Ҳар куни айтиладиган гап | 29 |
| «Қалтираб қизарар ғўзапоялар» | 29 |
| «Ёмғирларни ёғдирар кўнглим» | 30 |
| «Айтиб-айтолмайман» | 31 |
| Юрак минбаридан сўзланган нутқ | 32 |
| Чўлпон | 35 |
| «Агар...» | 36 |
| «Деразамдан сочилган нур» | 36 |
| Ҳолат | 37 |
| Саҳар | 37 |
| «Зар эрмас, зардоб оқар» | 38 |
| «Ерни силкиб, автолар чопар» | 39 |
| «Йўл юрдим ўймоқ-ўймоқ» | 39 |
| Эскижува бозорида | 40 |
| «Сен бахтли бўлишинг учун» | 42 |
| «Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман» | 42 |

| | |
|---|----|
| Терак (Нозим Ҳикматдан) | 43 |
| «У бир қушча эди» | 44 |
| «Силкиниб қолдилар ортда тераклар» | 45 |
| «Айвондаги ола похолни» | 46 |
| «Дарахтлар бунчалар безовта» | 47 |
| «Бу боғлар кўркига яйраб боқмасам» | 47 |
| «Узоқ йиллар, кўп узоқ йиллар» | 48 |
| «Сўзни чайнаб» | 49 |
| «Оғир-оғир, жуда ҳам оғир» | 50 |
| Ит ҳақида баллада | 51 |
| «Бойчечакдан олдин» | 53 |
| Нозим Ҳикмат | 54 |
| Саратон | 56 |
| Туман. Миллат қўшиғи (Тавфиқ Фикратдан) | 57 |

Жўра Тилак.
Ж 96 Руҳият: Шеърлар.—Т.: Ёш гвардия,
1990.— 64 б.

Тилак Жўра — фикри қуюқ, ўзига хос шоир. «Руҳият» тўпамидан унинг кейинги йилларда ёзилган шеърлари ўрин олган. Фидойи инсон интилишлари, руҳий кечинмалари, юрт манзаралари тўпамга ижтимоий-фалсафий салмоқ бағишлайди.

«Қонимнинг ҳар томчисидан, сени соғиниб кутаман — шеърият», дейди шоир. Чиндан ҳам, Тилак Жўра шеъриятга теран бир поклик, эҳтирос ва умид деб ёндошади. Шу боисдан тўпамдаги кўпгина шеърлар бадийи пишиқ, фикрий аниқ, тасвирий кўлами кенгдир.

Джура Тилак. Мир светлой души.

Уз2

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Литературно-художественное издание

Тилак ДЖУРА

МИР СВЕТЛОЙ ДУШИ

Муҳаррир АСАД ДИЛМУРОД
Мусаввир ТАШМУРАТОВ М.
Расмлар муҳаррири АБДУЛЛАЕВ Н.
Техн. муҳаррир Ж. НАДИРОВА
Мусаҳҳиҳ С. САЙДОЛИМОВ

ИБ № 2723

Теришга берилди 26.01.90. Босишга рухсат этилди 24.04.90. P07758. Формат 70×90¹/₃₂. № 1 босма қоғозига «Литературная» гарнитурда юқори босма усулда босилди. Босма л. 2,0. Шартли бос. л. 2,34. Шартли кр. отг. 2,63. Нашр л. 1,95. Тиражи 5.000. Буюртма 72. Баҳоси 25 т. Шартнома 104—89.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700113, м-в Чиланзар, 8 квартал «Қатортол» кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Матбуот Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмаҳонасида босилди, Янгийўл шаҳри, 702800, Самарқанд кўчаси, 44.